O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 5 февраль, шанба • №11 (11.710) • Эркин нархда сотилади

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенат қўмиталарининг раислари иштирок этдилар. Мажлисни Сенат Раиси М. Шарифхўжаев бошқарди.**

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган асосий вазифалар муҳокама қилинди.

Парламент юқори палатаси қўмиталари фаолиятининг жамиятни янада демократлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш стратегиясига асослантирилган асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Қўмиталар ўз иш режаларини давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг қўшма мажлисида белгилаб берган асосий вазифаларга таянган ҳолда тузиши зарур эканлиги қайд этиб ўтилди.

Кенгаш иштирокчилари Сенат фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши зарурлигига алоҳида урғу бердилар.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ишини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**ЎзА.**



## Ҳам илм, ҳам ҳунар

**Ёшларга илм бериш билан бирга муайян касб-ҳунарга йўналтиришдек муҳим вазифага давлатимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида катта эътибор қаратилган.**

Айни пайтда фақат марказларда эмас, балки чекка ҳудудларда бунёд этилган ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида ёшлар замонавий билимларни пухта эгаллаш билан бирга ўз хоҳиш ва қобилиятларига қараб ҳунар ўрганмоқдалар.

***СУРАТДА:** Бекобод туманидаги Далварзин касб-ҳунар коллежининг тикувчиликка йўналтирилган гуруҳи талабаларидан Зулхумор Бердиқулова ҳамда Ханифа Зокирова чеварлик сир-асрорларини мукаммал эгалламоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

### Р. С. Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Иқтисодиёт вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Иқтисодиёт вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

### Э. М. Ғаниевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Элёр Мажидович Ғаниев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 февраль.

## Корхонанинг янги маҳсулоти

**«Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси бозор талабларини ҳисобга олиб, қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори унинг янги турларини ҳам ўзлаштирмоқда. Чунончи, корхонада черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Бу янги маҳсулотга дастлабки буюртмалар тушди. Бу йил 250 мингта черепица тайёрлаш мўлжалланмоқда. Келажакда эса йилига етти юз минг донага етказилади. Энг муҳими бундай маҳсулотни тайёрлаш учун зарур хом ашёлар республикамизда жуда сероб. Ҳозирги вақтда у Риштон ва Ангрендан келтирилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## Қамчиқ довонидаги вазиятга доир

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан олинган маълумотга кўра, 2005 йилнинг 1 февраль куни соат 10.00 да қор кўчкилари тўғрисида олдиндан хабар бериш "Қамчиқ" станцияси навбатчисидан шу куни соат 12.00 дан бошлаб Тошкент-Ўш автойўлининг 151- ва 176-километрлари оралиғида қор кўчиш эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар келган.**

Шу сабабли Наманган-Тошкент ва Тошкент-Ўш автойўлининг айрим участкаларида ҳаракат вақтинча тўхтатилди. Ушбу йўлнинг хавфли қисмида бўлган барча автоулов ва фуқаролар "Қамчиқ" қидирув-қутқарув отряди, "Автойўл" давлат акциядорлик компанияси, Давлат тоғ-техника назоратининг тоғ-қутқарув қисми ва Ички ишлар вазирлиги ўт ўчириш бўлинмалари томонидан эвакуация қилинди. Тошкент-Ўш автойўлининг айрим қисмларида соат 14.00 дан 14.20 гача қор кўчиши рўй берди.

2 февраль куни соат 07.30 ва 07.45 да мазкур йўлнинг баъзи участкаларида турли ҳажмдаги қор кўчкилари рўй берди, натижада йўлнинг айрим участкалари тўсилиб қолди.

Қор кўчкисини тозалаш ишларига "Қамчиқ" қидирув-қутқарув отряди, Давлат тоғ-техника назоратининг ҳарбийлашган тоғ-қутқарув қисми, йўл қурилиши хизмати ва ёнғинга қарши курашиш бўлинмаларидан 415 киши ҳамда 99 махсус техника жалб этилди.

Қор кўчиши оқибатида "Автойўл" давлат акциядорлик компанияси махсус бўлинмасининг ишчилар вақтинча яшайдиган 8 вагони қор остида қолди, вагонда бўлган 4 ишчи ҳалок бўлди.

Қор кўчиш хавфи бор ҳудудларни ўрганиш вақтида УАЗ-469 русумли автомашинани кўчки олиб кетган, натижада Бошгидромет хизматининг икки ходими шикастланган. Эвакуация қилингандан сўнг улардан бири – автомашина ҳайдовчиси – тан жароҳатлари оқибатида вафот этди. Иккинчи ходимнинг аҳволи қониқарли.

**ЎзА.**

• *«Баркамол авлод — 2005»*

## Мезбонга хос тайёргарлик

**Вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларида «Баркамол авлод – 2005» мусобақаларига ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўйингоҳларни таъмирлаш ва жиҳозлаш билан бир вақтда 15 та спорт тури бўйича вилоят шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоаларни саралаш мусобақалари давом этмоқда.**

(Давоми 2-бетда).

• *Қарор ва ижро*

## Жамғариладиган пенсия – мустаҳкам молиявий пойдевор

**Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ шу йилнинг 1 январидан бошлаб юртимизда фуқароларнинг амалдаги давлат пенсия таъминотига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий этилди.**

– Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти – амалдаги давлат пенсиясига қўшимча равишда, аҳоли фаровонлигини ошириш, уларни пенсия даврида иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинди, – дейди Халқ банки Бошқаруви департаменти директори Темур ТЎЛАГАНОВ ЎзА мухбирига. – Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги қарорида ушбу

(Давоми 2-бетда).

# Мезбонга хос тайёргарлик

«Баркамол авлод» анъанавий мусобақаларининг биринчиси 2001 йили (30 апрель-9 май) Жиззах шаҳрида ўтказилган эди. Умумжамоа ҳисобида 107,5 очко тўплаган вилоятимиз вакиллари учинчи ўринни эгаллашганди. Жами 10 та олтин, 21 та кумуш, 14 та бронза медаллари қўлга киритилганди.

2003 йилда (4-10 июнь) Андижон вилоятида бўлиб ўтган навбатдаги «Баркамол авлод» мусобақаларида вилоятимиз спортчилари 170 очко билан фахрли иккинчи ўринни эгалладилар. Улар вилоятимиз медаллар жамғармасини 44 та олтин, 36 та кумуш ва 19 та бронза медали билан бойитдилар.

«Баркамол авлод – 2005» мусобақалари республика босқичининг мезбони сифатида бўлажак беллашувларга янада пухта тайёргарлик

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўрилмоқда. Мусобақаларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари муваффақиятли ўтди. Биринчи босқичда 122 минг 326 нафар ўқувчи ўсмир ва қиз иштирок этган бўлса, улардан 27 нафари спорт устаси, 125 нафари спорт усталигига номзодлардир.

Иккинчи босқич беллашувлари декабрь-январь ойларида ўтказилди. Унда 8723 нафар спортчи иштирок этди. Ушбу босқичнинг эътиборли жиҳати шундаки, мусобақалар якунида Бекобод (Бўка, Бекобод туман ва шаҳри), Ангрен (Янгиобод қўрғони), Олмалиқ (Оҳангарон тумани ва шаҳри, Пскент, Бўка туманлари), Чирчиқ (Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Паркент туманлари, Чирчиқ шаҳри), Янгийўл (Зангиота, Чиноз, Қуйичирчиқ, Оққўрғон туманлари) ҳамда Қибрай (Қибрай, Тошкент туманлари) ҳудудларида олтита терма жамоа шаклланди.

8 февраль куни бошланадиган вилоят финал босқичида ушбу жамоалар ўзаро баҳс юритади. Чирчиқ шаҳри спорт залларида волейболчи, боксчи, футболчи ва оғир атлетикачиларимиз ўз маҳоратларини оширишяпти. Шунингдек, Янгийўл шаҳрида волейбол, баскетбол, Ангренда бокс, Янгиободда енгил атлетика, Юқоричирчиқда катта теннис машғулотлари ўтказилмоқда.

Вилоят ўрта махсус ва касбҳунар таълими бошқармаси берган хабарларга кўра, 1 апрелдан 30 апрелгача барча спорт турлари бўйича ўқув-йиғин машғулотлари бўлиб ўтади.

«Баркамол авлод — 2005» мусобақаларида вилоятимиз терма жамоасига омад тилаймиз.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# Жамиятни эркинлаштиришда ОАВнинг ўрни

**Тошкентдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси вакилларининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда нодавлат электрон ОАВнинг роли» мавзуига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.**

Унда мамлакатимиздаги 50та нодавлат телерадиостудияларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Яқинда бўлиб ўтган Парламентнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида Президентимиз мамлакатимизда амалга ошираётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида нодавлат электрон ОАВлари фаолиятини янада яхшилаш, уларни иқтисодий жиҳатдан эркинлаштириш алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлаганди. Шунингдек, бугун бу вазифаларни амалга ошириш учун нодавлат электрон ОАВларини қўллаб-қувватловчи мустақил жамоат фондлари тузиш лозимлиги эътироф этилди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

# Хўжалик суди: якун ва режалар

**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва хўжалик судларининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига оид масалалар муҳокама этилди.**

Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилаётир.

Судлар эндиликда нафақат фуқаролар, балки хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, тадбиркорлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. Тадбиркорларнинг ўз манфаатлари ҳимояси юзасидан хўжалик судларига мурожаатлари сони йилдан-йилга кўпаяётгани, жумладан, 2003 йил 55 минг, 2004 йилда эса юз мингдан ортиқ низонинг ҳал этилгани бунинг далилидир.

Хўжалик судлари томонидан фермерлар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар фойдасига 25,3 миллиард сўм ундириш ҳақида қарорлар чиқарилди. Назорат органларининг 346 ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топилди. Фермерлар иштирокидаги низолар асосан сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилаётгани эса иш самарадорлигини янада оширмоқда.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Адибнинг сўнмас мероси

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида атоқли адиб, академик Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.**

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини, меросини янада чуқур ва теран ўрганишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Наим Каримов, Умарали Норматов ва бошқа адабиётшунос олимлар Ойбекнинг XX аср ўзбек адабиёти ривожидаги улкан ҳиссаси, асарларидаги бетакрор кечинмалар, гўзал ҳис-туйғулар китобхонларни поклик ва олижанобликка ундаб келаётгани хусусида сўзладилар.

**ЎзА.**

# Ҳуқуқий билимлар намойиши

**Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасидаги «Ёшлар ва қонун» кўрик танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.**

«Ёшлар жиноятчиликка қарши» шиори остида ташкил этилган танловнинг Юқоричирчиқ туман босқичида ўттиздан ортиқ мактаб жамоалари ўзаро беллашдилар. Мусобақанинг муайян шартлари бўйича ҳуқуқий билим ва саводхонлигини тўлақонли намойиш эта олган 26-мактабнинг «Адолат» гуруҳи биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва уларга танловнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, ғолиб жамоа «Ёшлар ва қонун» кўрик танловининг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

**Ўтган йилда АҚШ ҳукумати томонидан мамлакатимизга 50,6 миллион доллар миқдорида молиявий кўмак берилди.**

# Самарали ҳамкорлик

Элчихона маълумотларига кўра, иқтисодий ва ижтимоий лойиҳалар учун 21,2 миллион АҚШ доллари, демократик институтларни ривожлантиришга 15,7 миллион доллар, соғлиқни сақлаш муассасаларини янада такомиллаштириш ҳамда тармоқдаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 10,7 миллион доллар ажратилди.

АҚШ молиявий кўмаги асосан Микрокредитлаштиришни ривожлантириш ва аграсаноат мажмуини янада тараққий эттириш, соғлиқни сақлаш ва таълим, демократия, инсон ҳуқуқлари ҳамда маҳаллий ободонлаштириш соҳаларини ислоҳ қилишга йўналтирилган.

**Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,**
**«Туркистон-пресс».**

# Жамғариладиган пенсия – мустаҳкам молиявий пойдевор

долзарб вазифани амалга ошириш тартиби белгилаб берилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Халқ банки марказий аппарати ҳамда ҳудудий, туман ва шаҳар филиалларида янги бўлинмалар ташкил этилди ва улар малакали ходимлар билан тўлдирилди.

Республикамиздаги барча иш берувчи – хўжалик субъектларига уларнинг ишчи ва хизматчилари учун тўлдирилиши лозим бўлган фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш сўровномаси бланкалари етказиб берилди.

Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда жойларда молия, солиқ, статистика, ижтимоий таъминот бўлимлари, ички ишлар бошқармаларининг паспорт хизматлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари иштирокида семинарлар ташкил этилди.

Жорий йилнинг 2 февраль ҳолатига кўра икки миллион уч юз минг киши бундай пенсия тизимида ҳисобга олиниб, уларга ҳисоб варақалари очилди. Бир миллион дона жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари тайёрланиб, эгаларига топшириш учун жойларга етказилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур жараёнга ўтиш билан боғлиқ банк операцияларини тўла автоматлаштириш назарда тутилган. Шу боис фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш ва уларга ҳисоб варақалари очиш дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ҳамда жорий этилди. Шунингдек, ушбу тизимга хизмат кўрсатувчи, маълумотлар айирбошлаш имконини берувчи ва ишончли ҳимояланган ягона электрон базани яратиб, банкнинг барча филиалларини унга улаш бўйича тегишли ишлар бажариляпти.

Айтиш жоизки, ҳисоб варақалари паспорт тизимига мувофиқ аниқланадиган фуқаронинг идентификация рақами – шахсий коди асосида очилади ва бир умрга доимий қилиб берилади. Натижада фуқаронинг иш ёки яшаш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда ҳам унинг ҳисоб варақаси рақами ўзгармай қолаверади. Халқ банкининг қайси филиалида хизмат кўрсатилишидан қатъи назар, ундан янги ҳисоб варақаси очиш ёки қўлланиладиган пенсия дафтарчасини алмаштириш талаб қилинмайди.

Мисол учун бир фуқаро меҳнат фаолиятини Фарғона вилоятида бошлаб, кейинчалик Бухорода давом эттиради, пенсияга эса Тошкент шаҳрида чиқади. Қонунга биноан бу киши ўз ҳисоб варақасида жамғарилган маблағни Тошкентдаги филиалларимиздан ҳеч қандай тўсиқларсиз, ўзи истаган усулда бирданига тўлиқ ҳажмда ёки хоҳишига кўра ойма-ой олиши мумкин.

Мазкур тизимнинг жорий этилиши корхона ва ташкилотнинг молиявий ҳолатига ёки ходимнинг иш ҳақига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Чунки ушлаб қолинаётган бадал ходимнинг ойлик иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, қонунга кўра унда ихтиёрийлик асосида ҳам якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари аъзолари ва бошқа жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолатда фуқаролар шахсий пенсия ҳисоб рақамларига бадаллар миқдори ва уни тўлаш муддатини ўзлари мустақил белгилайди.

Мабодо фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун кетаётган бўлса, пенсия ёшига етган ёки етмаганлигидан қатъи назар, шахсий ҳисоб варақасида йиғилган маблағ унга бир йўла ва тўлиқ ҳажмда тўланади. Агар фуқаро вафот этса, маблағ унинг меросхўрларига бир йўла ва тўлиқ миқдорда берилади.

Шунингдек, тизимни аниқ ва пухта, очиқ ва ошкора ишлашига эришиш учун Халқ банки бўлимлари орқали қатнашувчилар ўз жамғармалари ҳолати ёки ҳисобланган фоизлар бўйича маълумот олиши кафолатланади.

Хуллас, кексалигида моддий таъминотини янада мустаҳкам ва ишончли бўлишини истаган ҳар бир инсон вақти келиб жамғариб бориладиган пенсия таъминотини самарасини кўради.

**ЎзА мухбири**
**Лазиз РАҲМАТОВ ёзиб олди.**

## «Ўзбекистон-ЕИ»нинг олтинчи мажлиси

**Брюсселда "Ўзбекистон Республикаси-Европа Иттифоқи" ҳамкорлик кенгашининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

ЕИ кенгашидан бош котиб, умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакил Х. Солана, Европа комиссиясидан эса ЕИ ташқи алоқалар ва қўшничилик сиёсати бўйича комиссари Б. Ферреро-Вальднер ва бош котибнинг ташқи алоқалар бўйича ўринбосари М. Ли вакил бўлишди.

Мажлис давомида Европа томони Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий ислоҳотларни олдга суриш, парламент тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини олқишлади ва парламентлараро ришталарни ривожлантириш заруратини таъкидлади.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**"Жаҳон" АА, Брюссель.**

## Умуммиллий дастур – барчанинг юмуши

**Халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.**

Бироқ олис қишлоқлардаги айрим умумтаълим мактабларининг аҳволи, моддий-техник базаси ҳамон талаб даражасида эмас.

Республика Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармон ижросига оид қарорлари ана шундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ва умумтаълим мактабларида таълимни ривожлантиришга қаратилган эди.

Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ушбу умуммиллий Давлат дастурининг мақсади ва мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

— Дастур асосан бешта йўналишга эга, — дейди Халқ таълими вазири Туробжон Жўраев. — Мактаблар биноларини реконструкция қилиш, (зарур бўлса, ўрнига янгисини қуриш), капитал ва жорий таъмирлаш, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-услубий воситалар билан таъминлаш, таълим тизимида қўлланилаётган ўқув андозалари ва дастурларни такомиллаштириш, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш каби муҳим омиллар дастурнинг асосини ташкил этади.

Шунингдек, матбуот анжуманида вилоятлар, шаҳар ва туманларда дастур доирасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолатлари хусусида ҳам атрофлича ахборотлар берилди.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Соддалаштирилган рейтинг тизими

**Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашда кўп балли рейтинг тизими жорий этилган.**

Амалиёт бу усулнинг афзалликлари билан бир қаторда ўзига хос мураккабликлари ҳам мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, балларни назорат турлари бўйича саралаш ҳамда чорак якуни ҳисоб-китоблари учун педагоглар бир мунча кўпроқ вақт сарфлаётгани маълум бўлди.

Шу боис Халқ таълими вазирлигининг махсус ишчи гуруҳи "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини аниқлашнинг рейтинг тизими тўғрисида"ги низомнинг янги таҳриридаги вариантини яратди. У ҳозир 20 та умумтаълим мактабида тажриба-синовдан ўтказилаётир. Кўп балли рейтингнинг соддалаштирилган бу варианти ўқувчи олган билимнинг ўзлаштирилишини назорат қилишни анча осонлаштиради.

Республика таълим маркази ташаббуси билан ўтказилган семинарда мазкур мактабларда иккинчи чорак якунлари атрофлича таҳлил этилди, ўқувчилар билимини баҳолашнинг соддалаштирилган варианти анча самарали экани таъкидланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Илғорлар сафида

**Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалиги аъзолари туманда биринчилардан бўлиб, баҳорги мавсумда ишлатиладиган барча техника воситаларини сифатли таъмирдан чиқариб қўйдилар.**

Шу билан бирга деҳқонларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш масалалари ҳам ҳар доимгидек тўла ҳал этилди. Худди шу омиллар туфайли ушбу хўжалик бир неча йиллардан буён яхши натижаларга эришиб келмоқда.

Ўтган йили хўжалик давлатга 970 ўрнига 1649 тонна пахта сотишга эришди. Мавжуд 440 гектар майдонда етиштирилган хом ашёдан келган даромад салкам 502 миллион сўмни ташкил этди. Соф фойда эса 114 миллион сўмдан ошди.

Шунингдек, буғдой етиштиришда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Бу тармоқдан салкам 30 миллион сўм соф фойда олинди. Келаётган фойда қишлоқ хўжалик техникалари базасини яхшилашга сарфланмоқда.

**Озод МАЪМУРОВ.**



*● Шундайлар бор бўлсин*

## Эзгулик туйғуси

**Инсон умри оқар дарё. Кимдир ҳаётда қумга сингган томчидек изсиз ўтса, кимдир ўзанлари узун, соҳиллари кенг дарё сингари қалби яратиш ишқи билан эзгуликка уйғун яшайди. Орамизда бундай одамлар кўп. Уларни бир сўз билан вақтдан ўзиб яшаётганлар дегинг келади. Қарийб 40 йилдан буён Ангренда автотранспорт соҳасининг ривожига салмоқли улуш қўшиб келаётган Шарофиддин Насриддинов ана шундай кишилар сирасидан.**

...Кўҳна Обликнинг қалин қор қоплаган тоғларини нурга тўлдириб, тонг отди. Субҳисодиқдан ҳовли ва йўлакларни ўғли билан қордан тозалаган Шарофиддин ёшларга хос тетиклик билан одатдагидек, бадантарбия қилди. Сўнг уйнинг этагида шилдираб оқиб турган ариқдаги сувга юзқўлларини ювиб, ота-бола бирга уйга киришди.

— Ҳеч шу одатингизни канда қилмайсизда-а, дадаси, — куйинди Шоҳрибону эрининг кечагина шамоллашдан шикоят қилаётганлигини эслаб. — Ўзингизни мундоқ эҳтиёт қилсангиз бўлмайдими?

— Онаси, хавотир олманг, бадантарбия касалликнинг олдини олади. Қолаверса, ўзимни қушдай енгил ҳис қилаяпман, — деди кулиб Шарофиддин келини Маликахон қуйиб узатган сутдан иссиқ-иссиқ ҳўпларкан.

...Шарофиддин корхонага кириб келганида машиналар эндигина навбат билан манзилга чиқишаётган эди. У ҳайдовчилар билан ҳол-аҳвол сўрашар экан, қисқа мулоқот давомида ҳар бирининг уйдаги шароити, кайфияти билан қизиқди.

Корхонанинг 30 йилдан ошиқ фаолияти Ш. Насриддиновнинг раҳбарлиги билан боғлиқ. 1957 йилда ташкил этилган бу корхона йиллар давомида Ангрен кўмир корхонасига хизмат кўрсатиб келаяпти. Мулкчиликнинг янгича шакли қарор топиб, корхона «Автокўмир» акциядорлик жамиятига айлантирилди. Ўтган давр корхонанинг иқтисодий ривожланишида, эгалик ҳуқуқини амалда англаган ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлиги олиб боришида муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик яратган имкониятлар асосида бугун ҳар бир корхона ўз фаолиятини қайта қурмоқда, мамлакат тараққиётига, меҳнат аҳлига манфаатли қирралар юз очмоқда. Шу йўналишдаги ҳаракатлар натижасида корхона яқинда «Автохизмат» номи билан хусусийлаштирилди. Бундай ҳолатда баъзи корхоналарда ишловчилар сони қисқартирилади. Лекин бу ерда раҳбарият томонидан меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари жорий этилганлиги боис ҳеч бир ходим ишдан бўшатилмади.

— Ҳар бир меҳнат кишиси ортида биттадан оила ва унинг аъзолари бор, — дейди Ш. Насриддинов. — Шундай экан, ички имкониятлар ҳисобига иш кўрмоқ, янги иш ўринларини яратмоқ биз, раҳбарият зиммасидаги биринчи галдаги вазифадир. Иш унумдорлигини ошириш ҳисобига режалар ортиғи билан бажарилаяпти. Енгил машиналарга техник хизмат кўрсатувчи янги «Автосервис» очдик. Айни пайтда корхона қошида кичик ғишт заводини шу йилнинг биринчи ярмида ишга тушириш ҳаракатидамиз.

Корхона 2004 йилни яхши якунлади. 8 миллион соф фойда олди. Ҳар бир акцияга 400 сўмдан дивиденд тўланди.

Корхонада муаммолар ҳам йўқ эмас. Кўрсатилган хизматга буюртмачи томонидан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида тўла амалга оширилмаётганлиги дебиторлик қарзларининг ошишига, натижада иш ҳақи тўловларида узилишлар бўлишига олиб келмоқда. Энг юқори дебиторлик қарз «Ўзбеккўмир» ОАЖ ҳисобига тўғри келаяпти. Корхона шартнома мажбуриятларини бажаришда, иш ҳақи ва бошқа кредитор қарзларни бартараф этиш борасида лоқайдлик қилаётган буюртмачилар билан алоҳида иш олиб бораяпти.

Албатта, юқоридаги муаммолар вақти билан ечимини топаяпти. Корхонанинг эртасини яратиш, бунинг учун имкониятлар излаш, транспорт базасини янгилаш йўлидаги изланишлар давом этади.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## Миллатлар тотувлиги учун

**Ҳозирги кунда Ўртачирчиқ туманида 30 га яқин миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда.**

Туман байналмилал маданият маркази улар ўртасида байналмилал тарбияни кучайтириш, миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга оид тадбирларни амалга ошираяпти. Ундан ортиқ миллат маданият марказлари ташкил этилган.

Яқинда ушбу байналминал маданият марказининг йиғилиши ўтказилиб, унда байналмилал тарбия бўйича олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

## Бизнес бошқарувчиларининг сафи кенгаймоқда

**Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Профессионал менежмент дастурининг навбатдаги курслари тингловчиларининг битирув маросими бўлиб ўтди.**

2004 йил 5 августдан 2005 йилнинг 26 январига қадар мамлакатимиздаги кўплаб етакчи компания ва ташкилотларнинг элликка яқин мутахассиси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Япония ҳукумати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур курсларда таҳсил олди. Салкам ярим йил мобайнида улар Япония бизнес бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб, билим ва малакасини бойитиш имконига эга бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Япония ўртасида бошқа соҳаларда бўлгани каби, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, корхоналарни бошқариш бўйича биргаликда мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Кўплаб ўзбек ишбилармонлари Кунчиқар мамлакат тадбиркорлари билан бу борада ўзаро тажриба алмашиб келмоқда.

Маросимда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

**ЎзА.**





# ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

## «Тошкент ҳақиқати» почтасидан

# СЕН ЁЗМАСАНГ, МЕН АЙТМАСАМ...

**Мана таҳририятга келган яна бир даста мактублар ва уларда битилган дил изҳорлари. Ҳар бирида инсон ҳаёти, унинг қадр-қиммати, дунёда инсон ортида қоладигани меҳр-оқибат, қилинган яхшилик эканлиги ҳақидаги мулоҳазалар. Аммо, таҳририятга ўзлари келиб, турли мавзу ва муаммолар юзасидан шахсий мулоҳазаларини баён этган кишиларнинг ўй-фикрлари қадрли газетхонлар учун янада қизиқарли бўлиши шубҳасиз. Гапни таҳририятга келган келеслик Қамбар отанинг сўзларидан бошламоқчимиз.**

— Болам, газетларингни кузатаман, — кексаликми ёки бироз хасталикми, энтикиб-энтикиб сўз бошлади отахон. — Ҳар сонда мамлакатнинг сиёсий ҳаётини қойилмақом қилиб ёритасизлар, бунга гап йўқ. Бироқ, ҳар куни рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳам ўрин беринглар. Энсани қотирадиган, бир-биридан бачкана, баъзан эса дилингни оғритадиган ҳолатлардан нега кўз юмасизлар?



Мана, ҳозиргина кўз-ўнгимда содир бўлган воқеани сўзлаб берай. Шаҳарга келиб, автобусга чиқдим. Манзилга етиб келгунимча ҳам кондуктор деганни қораси кўринмади. Тушаётганимда эса набирам тенги бир қиз йўл ҳақи сўради. Айтган пулини бердим, у эса билет бермади. Сўрасам, кўзини лўқ қилиб, отахон, тушдингизку, билетни нима қиласиз, дейди.

Энди ўзинглар ўйлаб кўринглар, билет йиртмагандан кейин пулни ҳам давлат кассасига топширмайди, демак, автопаркнинг плани тўлмайди, сарф-харажати қопланмайдими, натижада йўл кирани яна оширади. Одамлар эса йўл ҳақи ошибди деб бир-икки кун нолиган бўладилар-у, яна кўникиб кетадилар. Аслида ҳаммасига одамларнинг ўзлари айбдор, ҳақларини талаб қилишмайди. Натижада арзимаган нарсадан катта муаммолар келиб чиқади. Хўш, бу гапларни кимдир айтиши керакми-йўқми?..

Отахон билан шу зайлда узоқ суҳбатлашдик. У киши юракларидаги борини тўкиб-солдилар. Шу ўринда Қамбар отанинг яна бир мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқни лозим топдик.

— Мана ҳозир қиш-қировли кунлар, айрим жойларда газ босими пасайиб кетган. Хўш, бунга сабаб нима деб ўйлайсиз? Шаҳар атрофидаги қишлоқларга чиққан киши бунга жавоб топади. Гектар-гектар иссиқхоналар бор, ана ўшалар бор газни сўриб ётибди. Майли, тирикчилик ҳам керак, деҳқончилигини қилсин, лекин газдан қонуний фойдалансин-да. Давлат рухсат бериб қўйган, ўлчагич ўрнатсинда, хоҳлаганча ёқаверсин. Бироқ газдан ҳеч қандай назоратсиз, ноқонуний фойдаланаётган бундай мавсумий деҳқонлар қанча.

Тунов куни яна бир миш-миш гапни эшитиб, ҳайрон қолдим. Эмишки, катта-катта иссиқхоналарнинг эгалари энди қувурларда келаётган газни махсус насослар билан сўриб олаётган эмиш. Кимлардир газдан хоҳлаганча фойдаланса-ю, бошқалар совуқ кунда қийналса, бундай бўлар-бўлмас гаплар «болалаб» кетаверади-да. Иллатнинг боши шундаки, газдан «бебилиска» фойдаланаётганларга ҳеч ким лом-мим демайди. Маҳалладагилар ҳам билса-да индамайди. Совуқда ўтирса ўтирадики, маҳалладошини тартибга чақириб қўяй демайди. Газ назоратчилари ҳам буларни ё кўрмайди ёки кўз юмади. Натижада, қишки мавсумда ишлатмаган гази учун аҳоли пул тўлашни хоҳламайди ва турли келишмовчиликлар юзага келади. Хўш, булар ҳақида матбуот нега жим? Нима учун ҳақиқатни ошкор қилмайди?..

Ўртачирчиқлик Ҳаким Акбаров йўллаган мактубда бозорлардаги айрим қинғир ишлар қаламга олинган. Яъни, олибсотарларнинг бозорларни эгаллаб олгани, бозор ходимлари ҳам уларга ноқонуний имтиёзлар яратиб бериб, ҳақиқий деҳқонга эса, «нон» қолмаётгани хусусидаги куюнчаклик билан айтилган мулоҳазалар мактуб асосини ташкил этган.

Ёки тошкентлик кекса шифокор Икром Асадовдан олинган хатга тўхталсак. У киши ёзади:

— Мода деган «офат» ўзбек қизларининг ўзбеклигига, уларнинг иффатию, ҳаёсига путур етказди. Кўча-кўйда юрсангиз сиз ҳам шу фикрга келишингиз тайин. Не кўйларга солинган сочлару калта-култа кийим-бошлар. Баъзан бундай ёш-ялангларни кўрганимда, ушбу масаланинг биз кўпда эътибор беравермайдиган жиҳати хаёлимни банд этади.

Ҳозир қизларимиз сочларини турли хил бўёқлар билан бўяшни урф қилганлар, тўғрироғи мода шунақа. Бироқ, ушбу бўёқларнинг турган-битгани кимёвий моддалар эканлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Болаликдан ана шундай кимёвий моддаларга беланиб юрган сочларга ёшлари ҳали ўттизга чиқмай оқ оралайди, тўкилади.

Ибо-ҳаё деганларини четга суриб турайлик, аммо масаланинг бошқа тарафи мени ташвишга солади. Иссиқ-совуқда яланг кийиниб юрган ёшлар ўзларига турли дардларни орттириб оладилар. Натижада бепуштлик каби хасталиклар келиб чиқади. Тўғри, бу дардларни даволаш мумкиндир. Аммо, касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул эмасми?

Мактублардаги барча фикр-мулоҳазаларни келтиришнинг имкони йўқ. Бироқ таҳририят ижодкорлари ўз фаолиятларида улардан фойдаланадилар.

Қуйида эса келган мактублардан айримларини айнан келтириб ўтамиз.

*Ўйлаймизки, сиз 2005 йил давомида ҳам «Тошкент ҳақиқати»нинг ҳақиқий мухлиси бўлиб қоласиз. Газетада ёритилаётган турфа мавзулар ҳақида қимматли фикрингизни ҳамда ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингизни йўлласангиз қаламга олинаётган мавзуларнинг ранг-баранг бўлиши ва мазмун-мундарижасининг янада бойишига ҳисса қўшасиз.*

*• Акс-садо*

## ТУТУРИҚСИЗ ГАП-СЎЗЛАР ВА ҲАВОЙИ ҚЎШИҚЛАР

**«FM» тўлқинларидаги айрим радио каналлар ҳақидаги мулоҳазаларни «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида бир неча бор ўқидим. Билдирилган бу фикрларга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Агар бирон марта бундай радио эшиттиришларни тинглаган бўлсангиз, менинг ҳозир айтадиган мулоҳазаларимга сиз ҳам қўшиласиз.**

Тутуриқсиз гап-сўзлар ҳақида гапирмай қўя қолай. Аммо, эфир орқали берилаётган қўшиқларни эшитиб, тўғриси, ёшларнинг дидига қойил қолмадим. Балки, биз ёши каттароқлар замонавий мусиқани тушунмасмиз, аммо, бир нарсани биламанки, айни кунда деярли барча ёш ижрочилар куйлаётган қўшиқларнинг мусиқаси ўзга миллатлар санъатига хосдир, яъни кўчирилган. Қўшиқ матнига келсангиз, шеър талабларига кўплари мутлақо тўғри келмайди. Шеърда қофиянинг йўқлиги, руҳсиз тарздаги муҳаббат изҳори ва ҳоказолар ўзбек қўшиқчилиги ва миллий эстрадамизни емираётгандек туюлади менга.

Пулини берса, хоҳлаган хонанданинг хоҳлаган қўшиғини радиода бераверар экан, деб эшитган жойим бор. Демак, пул бўлса чангалда шўрва эканда. Афсуски, айрим радиоканаллар ходимлари миллат маънавияти, анъаналари ва қадриятлари ҳамда ҳақиқий санъатни пулга сотиб бўлмаслигини унутиб қўйишганга ўхшайди.

**Мухторбек САЛОМИДДИНОВ,**
**ҳайдовчи.**

## ХОМ ГЎШТ ЕГАН ҚАРИЯ

**Қишлоғимизда бир қария яшаб ўтган. Каттаю-кичик у кишининг исмига бува сўзини қўшиб айтарди. Унинг айрим хатти-ҳаракатлари кўпчиликни ажаблантирарди. Масалан, ўзи қассоб бўлганлиги боис баъзан мол сўйганда оғзига бир бўлак хом гўшт солиш одати бор эди.**



Мабодо қўй сўйса, думбасининг бир четидан кесиб олиб, сариёғдек ютиб юборарди. Бунга менинг ўзим бир марта гувоҳ бўлганман. Одамлар сабабини сўраганларида, у киши, хом гўштда барча витаминлар сақланади ва танага тез сингади ҳамда кишини тетиклантиради, деб жавоб берар эканлар.

Бу қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида бирон нарса дейиш мушкул. Бироқ, қишлоқда энг узоқ умр кўрган кишилардан бири ана шу қария бўлди. Вафотидан бир кун олдин қилган ишини эшитган қишлоқ аҳли ёқа ушлаб қолдилар. Кечқурун, ётар олдидан кампирига оқ дурра келтиришни буюради. Чолининг гапини ҳеч қачон икки қилмаган кампир янги оқ рўмол олиб чиқиб беради. Қария уни ияги аралаш бошига боғлайди ва уйқуга кетади... Эртаси куни уни қабрга қўядилар.

Бу воқеа ҳали-ҳануз қишлоғимизда тилдан тилга кўчади.

**Аҳмаджон ЁҚУБОВ,**
**Зангиота тумани, ишчи.**

### ➔ *Мутахассис изоҳи*



Бундай ҳолатлар ҳаётда учраб туради. Айниқса, қассоблар орасида хом гўшт ейиш одатини кўп кузатиш мумкин. Бироқ, бу гигиена қонун-қоидаларига мутлақо зиддир.

Чунки, гўшт таркибидаги заҳарли моддалар пишмагунча ўлмайди. Натижада бруцеллёз, сариқ касалликлари келиб чиқади. Бундан ташқари ичак гелментлари, яъни, қуртлар ривожланиб кетади.

Энг ёмони, чорва моллларидан инсонга оқсил хасталигининг юқишидир. Бунинг оқибати эса оғир бўлиши мумкин. Шунинг учун хом гўшт ва ҳатто, чала пишган гўштни ейиш ҳам тавсия этилмайди.

**Набилилло СОЛИҲОНОВ,**
**вилоят клиник шифохонаси шифокори.**

## ПОШНАДАН КУЙГАНМАН



Тўғрисини айтай, ёшлигимдан олифтароқ бўлганман. Қандай кийим урф бўлса, шуни киярдим. Энг қизиғи, доимо баланд пошнали пойабзал кийиб юрардим. Ўша пайтларда бунинг оқибати ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Кейинчалик, ёшим ўтиб боргани сари оёқларим оғрийдиган бўлиб қолди. Шифокорга учрашсам, товон доимий баландда юриши оқибатида, оёқнинг тўпиқ қисми шикастланиши ва оғриқ беришини айтди. Энди ёшлигимда қилган хатоимнинг азобини тортаяпман. Шунинг учун ёшларга маслаҳатим, баланд пошнали пойабзал киймang, кейинчалик менга ўхшаб афсусланиб юрмайсиз.

**Шоира ҲАБИБУЛЛАЕВА, Оҳангарон тумани, пенсионер.**

### ➔ *Мутахассис изоҳи*

Умумий шифокорлик фаолиятимдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, баланд пошна ва оёқни сиқадиган пойабзаллар кийиш оқибатида кейинчалик кучли оғриқлар пайдо бўлади. Бу хасталик инсон тана оғирлигининг марказий оёқ суяклари орқали нотўғри тақсимланиши оқибатида келиб чиқади. Яъни, баланд пошнада тана оғирлиги оёқ пластик қисмининг марказига тушмай оёқнинг олд қисми, яъни бармоқлар суякларига келиб тушади. Натижада тўпиқ суяклари уланган жойда емирилиш содир бўлиб, ўша ерда турли суяк ўсимталари пайдо бўлади ва оғриқ беради.

**Назира ЮСУПОВА, олий тоифали шифокор.**

**Саҳифани Равшан ЁҚУБЖОНОВ тайёрлади.**

## XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

### МУТАХАССИС ҲАДИГИ

АҚШ давлат департаментининг терроризмга қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчиси Уильям Поупнинг таъкидлашича, Европа террорчи гуруҳлар учун «ўта мос замин» вазифасини адо этмоқда. Мутахассис эътирофига кўра, қуролли тўдалар Европа Иттифоқи мамлакатларида ўрнашиб олган ақидапараст одамлар ҳисобига ўз сафларини тўлдириб бормоқда, Европанинг ўзини эса тез орада кенг миқёсли террорчилик хуружлари кутмоқда.

### ҲОЗИРЧА НОМАЪЛУМ

Афғонистон транспорт вазири берган маълумотларга қараганда, пайшанба куни Кобул яқинида ғойиб бўлган самолёт экипажи таркибидаги саккиз кишининг олти нафари Россия фуқаролари бўлган. Бироқ, Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг таъкидлашича, мазкур «Боинг» бортида бирорта россиялик фуқаро йўқ эмиш. Афғон расмий доиралари самолёт қулаб тушган бўлиши ҳам мумкин деб, тахмин қилмоқдалар. Уни излаш ишлари давом этмоқда.

### ЭНДИ БУ СИР ЭМАС

Буюк Британия Мудофаа вазирлиги ўтган йили мамлакат ҳудуди узра НУЖлар парвоз қилган 88 ҳодисани ошкор этди. Ҳавода учар жисмларнинг пайдо бўлиши ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар S4F деб номланган ҳарбий идоранинг махсус бошқармаси томонидан тўпланган. Ушбу материалларнинг ўта махфийлик мақоми 1 январь куни олиб ташланди.

*• Шарҳловчи минбари*

# Непалдаги беқарорлик

**Шу кунларда Непалда сиёсий беқарорлик авж олмоқда. Бунга сешанба куни мамлакат қиролининг Шер Баҳодир Деуб бошчилигидаги ҳукуматни истеъфога чиқаргани сабаб бўлди.**

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, қирол Гянендра Бир Бикрам Шоҳ Дев яқин кунлар ичида янги ҳукумат шакллантирилишини маълум қилган. Янги ҳукумат 10 кишидан иборат бўлади ва унга қиролнинг ўзи бошчилик қилади.

Қирол Гянендранинг таъкидлашича, амалдаги ҳукумат демократияни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жорий йилнинг апрел ойида парламент сайловини ўтказиш борасида бепарволикка йўл қўймоқда. Бундан ташқари, мамлакатни айирмачи маочилардан ҳимоя қила олмаяпти.

Гянендра мамлакатда демократия ва кўппартиявийликни қўллаб-қувватлашини айтган бўлса-да, унинг гапларига кўпчилик ишонмаяпти. Мухолифат вакиллари эса қирол ўз ваколатини кенгайтириш мақсадида бундай қарорга келганини таъкидламоқда.

Айтиб ўтиш жоиз, маочилар узоқ йиллардан буён мамлакатда мавжуд конституцион монархияга қарши курашиб келади. Ўзаро тўқнашувлар натижасида шу кунгача қурбон бўлганлар сони ўн мингдан ошиб кетди.

Шер Баҳодир Деуб икки ярим йил олдин ҳам истеъфога чиқарилган, лекин 2004 йил июнь ойида яна ҳукумат раҳбари бўлганди.

Айни пайтда Непалда фавқулодда ҳолат жорий қилинган. Мамлакатдаги барча телефон алоқалари узиб қўйилди. Халқаро аэропортлар ўз фаолиятини тўхтатди. Пойтахт Катманду кўчаларини қуролланган ҳарбийлар назорат қилмоқда. Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг уйлари аскарлар билан қуршаб олинган. Улар амалда уй қамоғи шароитида турибди. Маочилар эса одамларни уч кунлик иш ташлаш эълон қилишга чақирмоқда.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

### УЛОВИ ЗИРҲСИЗ ЭКАН

Доғистон ички ишлар вазирининг ўринбосари генерал-майор Магомед Омаров ҳаётига суиқасд у анча йиллардан бери илк бор зирҳсиз автомобилдан фойдаланган куни амалга оширилган. Сўнгги икки йил мобайнида бу мансабдор шахс фақат зирҳланган «Мерседес» ва «БМВ» машиналарида юрарди. Аммо, суиқасд юз берган кун бу машиналар ишдан чиққани сабабли, у оддий «Нива» хизмат машинасидан фойдаланишга аҳд қилганди.

### ГУВОҲ ИЗЛАНМОҚДА

Украинада 2000 йил сентябрь ойида ўлдирилган журналист Георгий Гонгадзе ишини текшириш яна фаол тус олди. Олий Раданинг қатор депутатлари мазкур ишга аралашганлиги гумон қилинаётган республика собиқ президенти Леонид Кучмани ҳибсга олишни талаб қилгач, бош прокуратура мазкур воқеаларга дахлдор бош гувоҳ — милиция генерали Алексей Пукач қидирувини эълон қилди.

### ХАЙРИХОҲЛИКМИ Ё ...

Исроилнинг хайрихоҳлик ифодаси сифатида 900 нафар фаластинлик маҳбусларни озод қилиш ҳақидаги қарорини Фаластин мухторияти раҳбарлари «ҳақорат», деб баҳолашди. Исроил бош вазири Ариэль Шарон озод қилинганлар орасида «қўли қонга ботган» бирорта ҳам фаластинлик бўлмаслигини маълум қилди.



*Қишнинг ҳам ўз завқи бор.*



## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

***Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Тошкент вилояти Адлия бошқармаси қуйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:***

**I. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун.**

1. Ангрен шаҳрида ..................... 2 та ўрин
2. Ангрен шаҳрида (Красногорск қўрғонида) ..................... 1 та ўрин
3. Бекобод шаҳрида ..................... 1 та ўрин
4. Чиноз туманида ..................... 1 та ўрин
5. Зангиота туманида ..................... 1 та ўрин
6. Ўртачирчиқ туманида ..................... 1 та ўрин
7. Янгийўл туманида ..................... 1 та ўрин

**II. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозими учун:**

1. Тошкент туманида ..................... 1 та ўрин

*Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.*



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 209-сонли қарорига мувофиқ, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси, 2005 йил 17 январь куни ўтказилган танлов натижасига кўра**

1. Тошкент вилояти, Паркент туманида жойлашган **«ХАТП-23»** ОАЖнинг устав жамғармасидаги 100 фоиз давлат активи бўйича, икки йил муддат ичида жами 115 000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;
2. Тошкент вилояти, Бўка туманида жойлашган 1-сон **«Қалдирғоч»** болалар боғчаси — давлат объекти бўйича, бир йил муддат ичида жами 35 000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;
3. Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган **«Ғунча»** болалар боғчаси — давлат объекти бўйича, бир йил муддат ичида жами 50 000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;
4. Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган **«Қуёшча»** болалар боғчаси — давлат объекти бўйича, бир йил муддат ичида жами 40 000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;
5. Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманида жойлашган **«Туманлараро туберкулез диспансерига қарашли эски ҳисобхона биноси»** — давлат объекти бўйича, бир йил муддат ичида жами 11 600,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;
6. Тошкент вилояти, Янгийўл туманида жойлашган **«Юқумли касалликлар шифохонасининг эски биноси»** — давлат объекти бўйича, бир йил муддат ичида жами 150 000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;
7. Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳрида жойлашган **«Болалар сут ошхонаси»** — давлат объекти бўйича, бир йил муддат ичида жами 54 050,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан **инвесторларга берилганлиги маълум қилинади.**

